

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

З.Пардаева	
Шеърӣ асарда метафоризация хусусиятлари (А.Ахматова ва М.Цветаева шеърӣати мисолида).....	82
З.Мамадалиева	
“Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа-қўнгул образи ва унинг такомилӣ.....	88
И.Рустамова	
Бадиий ижодда деталлар функционалиги ва динамиклиги.....	94
	ТИЛШУНОСЛИК
А.Бердиалиев	
Эга ва унинг умумлисоний хусусиятлари ҳақида.....	98
Т.Эназаров	
Шеваларни илмий ҳамда амалий тадқиқ этиш назарияси ва концепцияси.....	102
Ҳ.Шокирова	
Шахс дейксиси имкониятлари.....	108
М.Абдупаттоев, В.Абдурахмонов	
Микроматн композицияси.....	116
Ф.Шарипов, Т.Галиев	
Ўзбек тилшунослигида сўзшакл ҳақида.....	121
М.Ширинова	
Кинофильмлар номлари лингвистик аспект материали сифатида.....	126
	ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ
Т.Эгамбердиева, М.Зиёева	
Ўзбекистон олий педагогик таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар мазмуни.....	130
Ҳ.Қодирова, М.Юнусалиева	
Тўғарак машғулотида мантиқий фикрлашни ривожлантириш ёрдамида ўқувчиларни олимпиадаларга тайёрлаш.....	136
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Д.Мухторова	
Ядросида Гауссинг гипергеометрик функцияси қатнашган интеграл тенгламаларни ечишнинг композицион усули ҳақида.....	141
К.Кодиров, Т.Тўхтасинов	
Лордания билан алгебрасидаги конвергенция топологияси.....	144
М.Имомова, Б.Абдуғаниев, А.Турдибоев	
Мотор ва сурков мойларининг физикавий кўрсаткичлари ва кимёвий таркибини ускунавий услубларда аниқлаш.....	148
Р.Казаков	
Кимё ўқитиш самарадорлигини оширишда уй кимёвий тажрибаларнинг роли.....	152
М.Хакимов, А.Маруфжонов	
Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар.....	156
С.Исроилжонов, В.Каримов	
Озиқ-овқатлар таркибидаги ксенобиотикларнинг ҳамда захарли моддаларга одам организмидаги ҳимоявий омиллар таъсирини ўрганишга кириш асослари.....	159
А.Гадоев, В.Каримов, Г.Гадоева	
Мушуклар организмида <i>Sarcocystis tenella</i> railliet, 1886 саркоспоридийларнинг ривожланиши.....	162
М.Дадақўзиев, О.Эркабоев	
Фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси фанини ўқитиш бўйича илғор хорижий тажрибалар.....	165
Ф.Маматов	
Глобаллашув жараёнида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини оширишнинг инновацион омиллари.....	168

УДК: 633.51+631.559

ЎЗБЕКИСТОНДА АНОР ЕТИШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ОЛИБ
БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАРШИРОКОМАСШТАБНАЯ РАБОТА ПО РАЗВИТИЮ ПРОИЗВОДСТВА ГРАНАТА
В УЗБЕКИСТАНЕA LARGE-SCALE WORK ON DEVELOPING THE CULTIVATION OF POMEGRANATES IN
UZBEKISTANМ.Хакимов¹, А.Маруфжонов²¹ М.Хакимов– ФарПИ, озиқ-овқат технологияси кафедраси
доценти.² А.Маруфжонов– ФарПИ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини
тайёрлаш кафедраси ассистенти.**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан берилган топшириқлар, Вазирлар Маҳкамасининг анор етиштириш бўйича чиқарган қарорлари, Ўзбекистонда анор етиштиришни ривожлантириш истиқболлари ҳамда анорнинг касалликка, қурғоқчиликка чидамли ва серҳосил янги навларини яратиш, анор кўчатзорлари ва боғларини кўпайтириш бўйича қисқача маълумотлар берилган.

Аннотация

В статье представлена краткая информация о поручениях Президента Узбекистана Шавката Мирзиёева, постановлениях Кабинета Министров о производстве граната, перспективах выращивания граната в Узбекистане, а также о создании новых устойчивых к болезням, засухоустойчивых и высокоурожайных сортов граната.

Annotation

The article provides brief information on the instructions given by the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev, the decisions of the Cabinet of Ministers on pomegranate cultivation, prospects for pomegranate cultivation in Uzbekistan, as well as the creation of new disease-resistant, drought-resistant and high-yielding pomegranate varieties.

Таянч сўз ва иборалар: субтропик, минтақа, навлар, анорзор, қанд, шарбат, танин, лентасимон гижжа, лимон кислотаси, пресслаш, филтрлаш, нордон-ширин, пастеризация, қандли сироп.

Ключевые слова и выражения: субтропический, регион, сорта, гранатовый сад, сахар, сок, танин, ленточный глист, лимонная кислота, прессование, фильтрация, кисло-сладкий, пастеризация, сахарный сироп.

Keywords and expressions: subtropical, region, varieties, pomegranate garden, sugar, juice, tannin, tapeworm, citric acid, pressing, filtration, sweet and sour, pasteurization, sugar syrup.

Ўзбекистонда етиштириладиган субтропик мева экинлари орасида анор етакчи ўринни эгаллайди. Мамлакатимизда субтропик мевачиликни ривожлантиришнинг асосий йўналиши йирик субтропик экинлар дарахтларини яратишдир. Субтропик меваларнинг юқори ҳосиллиги ва тезпишарлиги ушбу экинларнинг юқори рентабеллигини ва иқтисодий самарадорлигини белгилайди.

Республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Фарғона водийсига 2017 йилги ташрифи чоғида Қува туманидаги “Фарғона анорчилик” масъулияти чекланган жамият шаклидаги агрофирма фаолияти билан танишган эди.

Тарихий ташриф давомида анорчилик бўйича илмий марказ, Фарғона давлат университетида кафедра ташкил этиш, инновацион ривожланиш вазирлиги билан

ҳамкорликда ген технологиясини ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон анори бўйича бренд яратиш, Фарғона вилоятида яқин йилларда анорзорларни 20 минг гектарга етказиш, кўчатчиликни кенгайтириш, данаксиз анор навларини ўзлаштириш бўйича топшириқлар берилди [2, 1-2].

Субтропик мевачиликни ривожлантириш, айниқса, етиштиришни кўпайтириш бўйича қўйилган вазифалар, ушбу экинлар биологияси, минтақанинг табиий шароитини ўрганиш, навларни танлаш, етиштириш ҳамда қайта ишлаш технологиясини ва субтропик меваларни ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришнинг илмий асосланган истиқболини белгилашни тақозо этади [1, 134-135 бетлар].

Фарғонада анорчиликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги “Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 791-сонли қарори юзасидан 9 октябр куни Фарғона вилояти ҳокимининг 506- сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида яқин йилларда вилоятимизда 20 минг гектар майдонда анорзорлар ташкил этилиб, 30 мингта янги иш ўрни яратилади [3,1-2 бетлар].

Ана шу юқоридагиларни эътиборга олиб, республикаимизда, хусусан, вилоятимиз шароитида анорчиликни ривожлантириш мақсадида уни етиштиришнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш билан бир қаторда, анор меваларини қайта ишлашни йўлга қўйиш ушбу соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, анор – кучли шохланган дарахт ёки тиканли шохлардан иборат, бўйи 2-10 метр дарахт ёки бутасимон ўсимликдир. Анор меваси резасимон, йирик, катта қисми қизил ёки қизғишсимон пўст билан ўралган мева этидан иборат. Кўп сонли уруғлари (битта мевада 300 дан 1500 донагача) ҳар хил, оч пушти рангдан тўқ қизил ранггача бўлган рангдаги ейишли эт билан ўралган. Битта мевасининг оғирлиги 250-800 граммгача, айрим мевалари 1000 граммгача боради ва ундан юқори [5, 193 бет].

Анор мевалари асосан янгилигича истеъмол қилинади, Ундан шарбат, вино ва компот тайёрланади. Анор шарбати таркибида 8-19 % қанд, 0,4 дан 2,5% гача лимон кислотаси ва витамин С бўлиб, у цинга касаллигига қарши яхши восита ҳисобланади. Қанд ва кислота миқдорининг кўплиги, унинг ўзига хос таъми билан бирга анор шарбатининг ўта тозаловчи таъсирини белгилайди. Анор шарбати нафақат ширин, балки жуда фойдалидир. Таркибида танин миқдорининг юқорилиги, темир моддаси фоизининг кўплиги, лимон кислотанинг мавжудлиги ва бошқа фойдали хусусиятлари анор шарбатига атеросклероз, иситма ва бошқа касалликларни даволовчи восита сифатини беради. Анорнинг пўсти тиббиётда (табобатда) лентасимон гижжада гижжага қарши восита сифатида қайнатма ва экстракт кўринишда фойдаланилади. Шарбат таркибида кислотанинг миқдorigа қараб 3 та гуруҳга бўлинади: кислотанинг миқдори 0,9%

гача бўлса - ширин, 0,9 дан 1,8% гача - нордон-ширин ва 1,8 % дан юқори бўлса нордон [5, 193-194 бетлар].

Ўзбекистон анорчилигида, мазаси, шарбат, чиқиши, кимёвий таркиби бўйича жаҳон стандарти талабаларидан қолишмайдиган навлари тарқалган. Энг кўп тарқалгани Қозоқи анор, Қизил-анор, Қайин-анор, Аччиқ дона ва бошқа навларидир. Ушбу нордон-ширин навлардан юқори сифатли шарбат олинади. Шарбат олиш учун танланган тўқ-қизил ёки малина рангли нордон-ширин ва нордон-мазали анор мевалари обдон ювилади, зангламайдиган пичоқ билан пўстининг юқори рангли қисми эҳтиёткорлик билан кесилади. Сўнгра анорнинг пўсти ичидаги меваси (уруғи) га шикаст етказмай, 4 та бўлакка бўлинади. Йирик меваларда пўсти 6 та ёки 8 та бўлакка кесилади. Республикаимизда анор кўчатини тайёрлашда бачкиси ва қаламчадан кўпайтирилади. Ўзбекистон шароитида анор қиш олдидан кўмилади. Бунда бир йиллик ёғочланиб пишган новдаларнинг ўрта қисмидан 20-25 см қаламчалар тайёрланиб, навлари белгиланган ҳолда, 80-100 тадан дасталаниб, махсус тайёрлаб қўйилган ўраларга кўмилади. Бунда аввало ерсатҳидан баландроқ, сув тўпланмайдиган жой танлаб олинади ва 70-80 см чуқурликда қазилади. Дасталанган қаламчалар бир қатор ётқизилиб, устидан 5-6 см тупроқ ташланиб, яна бир қатор жамланган қаламчалар ташланади. Ёгин-сочинлар бу ерга йиғилиб қолмаслиги керак. Ўранинг устига совуқ таъсир этмаслиги учун шифер, тунукалар ва бошқалар билан бостирилиб қўйилиши мумкин.

Кўчат ўрага тик қўйилиб, тескари қилиб кўмилади, олдин олинган тупроқ чуқур тагига солиниб кўмилади. Кўчат экилгандан сўнг ҳар бир чуқурга тўла сув қуйилади. Бунда тупроқ зичланиб, кўчат яхши кўкаради. Тупроқ чўкканидан сўнг кўчат атрофига тупроқ солиб тўлдирилади. Кўчатлар тупроқ намлигига қараб суғориб турилади. Анор кўчатларини экиш учун ажратилган ер текис, суғориш учун қулай, офтоб, қуруқ ва совуқ шамоллардан ҳимояланган, тупроғи енгил ва ўртача зичлашган, унумдор, шунингдек, ноябрь, декабрь ойларида гектарига 90 кг дан фосфор, 10-20 тонна атрофида органик ўғит солиниб, 30-35 см чуқурликда шудгорланган бўлиши керак, баҳор ва ёз ойларида сув билан таминланиши катта аҳамиятга эга

бўлади. Олинган маълумотлар ва Фарғона анорчилик агрофирмасида олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, анор яшил қаламчалардан 30-май, шунингдек, 30-июлгача ўтқазилганда, 2 ой фарқ қилишига қарамай, жуда яхши тутишини кўрсатади. Анор кўчатлари тайёрлаб олиниб, экиладиган ер майдонларига анорни экиш схемаси 4×2–3 м, кўчатларни экиш март ойи давомида амалга оширилади. Анор кўчатларини экиш учун ернинг баланд-пастлиги, шамол йўллари, суғориш йўллари, қуёшга қаратиб тик экиш ва ер майдонларини танлашда денгиз сатҳидан 1000-1200 метр баланликда экилса, яхши натижа беради. Кўчат экиш учун чуқурлиги ва кенлиги 50×50 см бўлган

чуқурчалар кавланади. Чуқур қазишда тупроқ устки қисмини 20–25 см қатлами ўранинг бир томонига олиб, қолган қисми иккинчи томонга олиб қўйилади. Кўчатни экишдан олдин тайёрлаб қўйилган шарбатга (янги мол гўнги тупроқ билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб ва 1 кг аммофос ўғити солиниб, қаймоқсимон масса тайёрланади) ботириб олинади, сўнгра экилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда энг аввало, сифатли анор кўчатларини етиштириш, совуққа, қурғоқчиликка чидамли, касалликка зараркунандаларга қарши курашиш, қолаверса, анор етиштиришда ўта тозалликка, гигиена ва бошқа қоидаларга, қатъий амал қилиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Выявить хозяйственно-ценные сорта граната. Годовой отчет за 1986 г. по НИР Ферганского селекционного плодовоиноградной станции НПО по садоводству, виноградарству и виноделию имени Р.Р.Шредера.
2. “Фарғона хақиқати” газетаси. 2018 йил 19 декабрь, 101 (24282) сони.
3. “Фарғона хақиқати” газетаси. 2018 йил 22 декабрь 102 (24283) сони.
4. Саимназаров Ю.Б., Акрамов У.И. Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти. Анор ва унаби етиштириш бўйича тавсиялар. –Т., 2017.
5. Разумов А. Консервирование фруктов и овощей в домашних условиях. 5-е изд., испр. – Т.: Ўзбекистон, 1979.

(Тақризчи: *Ф.Хомидов, биология фанлари доктори, профессор*).